



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI**

**PEDAGOGIKA FAKULTETI
MEHNAT TA‘LIMI KAFEDRASI**

“Himoyaga tavsiya etilsin”
Pedagogika fakulteti dekani
_____ dots. Sh. Nurullayeva
“ ___ ” _____ 2017 y.

“ Himoyaga ruxsat etildi”
Mehnat ta‘limi kafedrası
mudiri, dotsent
_____ D.Cho‘yanov
“ ___ ” _____ 2017 y.

**Pedagogika fakulteti kunduzgi bo‘limi
5112100-Mehnat ta‘limi yo‘nalishi bitiruvchisi
AZIZOVA OYGULning
bakalavir darajasini olishi uchun yozilgan**

**“KHK O‘QUVCHILARINI O‘QUV-BILUV FAOLIYATINI TASHKIL
ETISHNING ILMIY-PEDAGOGIK ASOSLARI”
mavzusidagi**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Rahbar: Yakubov S.X., Xolmurodov D.S.

Qarshi – 2017 y.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

PEDAGOGIKA FAKULTETI

MEHNAT TA'LIMI KAFEDRASI

**“KHK O'QUVCHILARINI O'QUV-BILUV FAOLIYATINI TASHKIL
ETISHNING ILMIY-PEDAGOGIK ASOSLARI”**

«5112100-mehnat ta'limi» yo'nalishi bo'yicha bakalavr
darajasini olish uchun

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Bajaruvchi: Azizova Oygul

Ilmiy rahbar: Yakubov Sabir Xalmuradovich, Xolmurodov Dilmurod.

Bitiruv malakaviy ishi «Mehnat ta'limi» kafedrasida bajarildi.

Kafedraning 2017 yil ___ maydagi majlisida muhokama qilindi va himoyaga
tavsiya etildi (bayonnoma №___).

Kafedra mudiri:

dots. D.Sh. Cho'yanov

Bitiruv malakaviy ishi YaDAK ning 2017 yil “___” _____dagi majlisida
himoya qilindi va ___ ball bilan baholandi (bayonnoma №___).

YaDAK raisi:

A'zolari:

Qarshi-2017

КИРИШ

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда, айниқса таълим тизимини ислоҳ қилишда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу билан мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда, замонавий мутахассис кадрларни тарбиялашда демократик ва дунёвий мазмунга эга бўлган кўп босқичли, узлуксиз таълим тизимини шакллантиришда қонуний асоси яратилди.

Узлуксиз таълимнинг турли бўғинларида ўқув-тарбиявий жараённинг мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари билан боғлиқ ҳақиқий педагогик ва дидактик муаммолар истиқболини аниқлаш ҳамда самарали ечимларни топиш бўйича бугунги кунда турли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларнинг жорий этилаётганлиги, илм ва фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш жараёнида ва мустақил фикрловчи баркамол авлодни шаклланишини таъминлайди.

Таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол ўқитиш технологияларини қўллаш орқали бўлажак мутахассисларнинг ижодий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, янги билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини ривожлантиришга эришиш мумкин. Чунки ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида фақатгина мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, тадбиркор шахсина ўз муаммоларини ўзи ҳал қила олади ва жамиятда ўз мавқеига эга бўлади. Бундай қобилият эса таълим муассасаларида, меҳнат таълими дарсларида шакллантирилади.

Таълимнинг сифатига қўйиладиган талабларнинг ошиб бориши узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси ва талабига айланиб, таълим мазмунини янгилашнинг фундаментал принципларига, яхлитлигига, изчиллигига ва амалиётга йўналтирилганлигига асосланган муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Замонавий таълимнинг мақсади касбий, мутахассислик салоҳияти юқори даражада бўлган, ижтимоий жиҳатдан фаол, мустақил ижодкор шахсини шакллантириш учун шарт-шароитларни янада ривожлантиришдан иборат.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари – кичик мутахассисларни касбий фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари, малака тавсифномаларида, унинг баркамол шахс сифатида шаклланиши, жамиятда ўз ўрнини топа олиши ва муваффақиятли фаолият олиб бориши учун юқори малака ва кўникмаларга эга бўлиши қайд этилган. Мамлакатимизда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани модернизация қилиш жараёнида, касб-ҳунар таълим тизимини тубдан ўзгартириш зарурати туғилди. Касб ҳунар таълими тизими юқори даражада профессионал, компетент, ўқув-билув фаолияти ривожланган кадрлар тайёрлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Олий маҳорат, касб бўйича зарурий билим, малака ва кўникмалар касб ҳунар коллежи битирувчилари меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиши учун имкон беради, ҳозирги пайтда бу профессионал қобилият, касбий компетентлик сифатида тушунилади. Бугунги кунда, "профессионалик" тушунчаси ўрнига "компетентлик" тушунчаси тобора кўпроқ қўлланила бошлади, қайсики бу технологик тайёргарликдан ташқари бошқа бир қатор қўшимча компонентларга эга эканлигидан далолат беради. Бу мустақиллик, масъул қарорлар қабул қила олишлиги, ҳар қандай бошланган ишни охиригача етказа олиши, исталган ишга ижодкорлик билан ёндашиши, ўз билиминини ошириш устида мустақил ишлаши, янгиликни тез ўрганиши,

ишлаб чиқариш ва жамиятнинг ўзгарувчан шароитига жуда тез мослаша олиш қобилиятига эга бўлишлигини англатади.

Инсонларнинг ҳаётий фаолиятида ва амалиётда дуч келган муаммоларни ҳал қилиши, мобиллик, меҳнатнинг ижодий характери унинг дунёқарашини кенглиги, шунингдек, ишлаб чиқариш истиқболларини кўриш ва тушуниш билан боғлиқ. Бугунки, буни талаба билади, эртага ҳам билиши зарурлигини ҳисобга олиш лозим.

Жамият учун ўқув-билув фаолияти ривожланган, умумтаълим ва касбий тайёргарлик юқори даражада ривожланган, ностандарт вазиятларда мақсадга мувофиқ қарор қабул қила оладиган ва оқилона иш кўрувчи шахслар керак. Бугунги кунда иқтисодий ривожлантиришга қодир кичик мутахассислар ва профессионаллар тайёрлаш ҳақида сўз бормоқда, бу жараёнда асосий нарсасиз - олинган ахборот ҳажми эмас, балки уни излаб топа олишлиги, ўзлаштириши ва ундан фойдалана олишни ўрганиши муҳимдир. Бунда муҳим ўрин, албатта, таълим жараёнида ўқув-билим фаолиятини шакллантиришга берилади. Бу эса, касб ҳунар таълими тизими учун алоҳида аҳамият касб этади, чунки бу тизимда алоҳида хусусиятли ўқувчилар контингенти таълим ва тарбия оладилар [21, 22, 84, 108].

Касб ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўқув-билим фаолиятини шаклланиши уларнинг ўсмирлик даврида янада жадаллашади. Бундай ёш гуруҳига фаолият соҳасини кенгайтириши, жамиятнинг бир аъзоси сифатида шаклланиши, ўз-ўзини баҳолаш истаги ва унинг асосида ўзини намоён қилиши учун хоҳишнинг кескин ошиши характерли ҳол ҳисобланади [29, 43, 62, 118].

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Касб ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўқув-билув фаолиятини шаклланиши муаммоси ҳар доим ҳам тадқиқотчи олимлар диққат марказида бўлди:

- Кадрлар тайёрлаш Миллий моделини амалга оширишнинг концептуал қоидалари: Р.Ш.Аҳлидинов, Ш.Э.Курбанов, Э.А.Сейтхалилов, Ҳ.Саидов ва бошқалар;

- замонавий шароитларда касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг назарий асослари: С.Я.Батишев, А.П.Беляева, С.Р.Волкова, Л.В.Голиш, Р.Ҳ.Джураэв, У.И.Иноятов, АА Исмоилов, П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, П.Н.Новиков, Б.С.Нуритдинов, Қ.Т.Олимов, Ҳ.Ф.Рашидов, А.Р.Ҳоджабаев ва бошқалар;
- умумтехник фанлар, техника ва технология фанларини ривожлантириш: З.А.Акбарходжаев, Б.Абдикаримов, А.М.Умранходжаев, Б.И.Иванов;
- ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёни ва уни фаоллаштириш: Л.П. Аристова, Ю.Н. Кулюткин, Н.С.Алиева, З.А.Акбарходжаев, П.Т.Магзумов, У.К.Толипов ва бошқалар;
- таълим жараёнида шахснинг ривожланиши: А.А.Закиров, И.А.Зимняя, Л.Я.Зорина, З.К.Исмаилова, И.Я.Лернер, С.В.Панюкова, Р.И.Суннатов ва бошқалар;
- ўқув жараёнининг дидактик ва психологик хусусиятларига ўрганиш: М.Тожиев, Б.Зиямуҳаммедов, О.Абдукудусов ва бошқалар;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқарув усуллари: И.А.Аллаёров, О.С.Гребенюк, А.В.Гидлевский;
- профессионал фаолиятга тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадан фойдаланиш: У.Сатторов, У.И.Иноятов, Р.Юсупов.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини малакали муҳандис педогог кадрлар билан таъминлаш, уларга юқори самарадорликка эга бўлган технологик машина ва ускуналарни қай даражада автоматлаштириш, автоматик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва қўлланиладиган бошқариш ҳамда ростлаш тизимларининг турлари, ишлаш аниқликлари тўғрисида билим беришдай маъсулиятли вазифа катта аҳамиятга эгадир. Касб ҳунар таълими тизимида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги, уларни касбга йўллаш масалалари бўйича У.Н.Нишоналиев, А.Р.Хўжабоев, Н.Шодиев ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш назариясини ва амалиётини бир нечта қисмларга бўлиб ўрганганлар. Кейинги йилларда Республикамиз олимлари тадқиқотлари,

жумладан: Н.А.Муслимов, Ў.Қ.Толиповларнинг ишларида бўлажак кичик мутахассисни тайёрлаш жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, Р.Ҳ.Жўраевнинг ишларида эса бозор иқтисодиёти шароитида мутахассис кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида ўрганилган. Ш.С.Шарипов, Р.Х.Джураев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ш.Ахлидинов, Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Миркосимов, У.И.Иноятов, М.Х.Саидов, Ф.А.Носирова, М.Р.Ражабова, Ҳ.Саидов, Л.В.Перегудов, А.А.Юлдашев, Г.С.Абдурахманов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўқувчи-ўқувчиларни техник технологик билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш муаммолари бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, янги йўналиш яъни дарс мавзуларини инновацион технология асосида ўқитиш мавзуси тадқиқот қилинмаган[4-10].

Касб-ҳунар коллеж талабалари ўқув-билув фаолиятини шакллантириш муаммосининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги психологик ва педагогик адабиётлар таҳлили, малакали кичик мутахассислар тайёрлашда КҲТ тизимининг кенг имкониятларнинг қарамай, илмий тадқиқотларда тизимли ёндашув йўқлиги бу масала тўлиқ ҳал қилинмаганлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам мен ўз битирув-малакавий ишимнинг мавзусини “Касб ҳунар коллежи ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини ташкил этишнинг илмий-педагогик асослари” деб номлашга асос бўлди.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади: Касб ҳунар коллежи ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини шаклланишини ўрганиш имконини берадиган ўқув жараёнини моделини яратиш, тизимли ёндашув асосида назарий-педагогик жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг объекти: Касб ҳунар коллежларида махсус фанлар ўқитишда ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини шаклланишини ўрганиш жараёни.

Битирув-малакавий ишнинг предмети: Касб ҳунар коллежларида махсус фанлар ўқитишни ташкил этиш шакл ва методлари.

Битирув-малакавий ишнинг илмий фарази: Касб ҳунар коллежларида махсус фанлар ўқитишда ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини шаклланишини ўрганиш жараёни алоҳида хусусиятли ўқувчилар контингенти билан тавсифланиши, касб ҳунар таълими тизими учун алоҳида аҳамият касб этади. Бунда муҳим ўрин, албатта, таълим-тарбия жараёнида ўқув-билим фаолиятини шакллантириш жараёнигага берилади. Ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёни касб ҳунар коллежи ўқувчиларини махсус фанларни ўрганишда, ўқув-билув фаолиятини шаклланиши моделини амалга ошириш босқичларида акс этади. Бу мақсадни танлаш, ўқув ахбороти мазмунини ажратиш, ўқитишнинг шакл ва методларини танлаш, таълим воситалари ва назоратни ишлаб чиқиш, билим, малака ва кўникмаларни мониторинги ва баҳолаш каби босқичларда амалга оширилади.

Битирув-малакавий ишнинг вазифалари: Битирув-малакавий ишининг предмети ва фаразларига асосан битирув-малакавий ишининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Касб ҳунар коллежи таълим жараёнида ўқув-билув фаолиятини шаклланиши амалга оширилади. Касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши ўзига хос спецификага эга бўлиб, таълим жараёнининг ва ўқувчиларнинг хусусиятларига боғлиқлигини аниқлаш;

- Ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёни касб ҳунар коллежи ўқувчиларини махсус фанларни ўрганишда, ўқув-билув фаолиятини шаклланиши моделини амалга ошириш мақсадни танлаш, ўқув ахбороти мазмунини ажратиш, ўқитишнинг шакл ва методларини танлаш, таълим воситалари ва назоратни ишлаб чиқиш, билим, малака ва кўникмаларни мониторинги ва баҳолаш;

- Махсус фанларни ўрганишда ўқитишнинг диалогли методларидан фойдаланиш психологик комфорт атмосферасини яратиш туфайли ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёнини жадаллашувини ўрганиш;

- Лаборатория практикумларини ташкил қилиш ўқувчиларни билим, малака ва кўникмаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, тизимлаштириш;

- Касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёнининг натижавийлиги махсус фанларни ўрганишда аудиторияда ва аудиториядан ташқари фойдаланиладиган топшириқларнинг мантиқийлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

- Касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёнининг моделини амалга ошириш учун дидактик шароитларини белгилаш.

Битирув-малакавий ишини бажариш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди.

Мазкур мавзуга оид техник, политехник, педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш; педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома ва тест.

Битирув-малакавий иши мавзуси бўйича тегишли адабиётлар таҳлил қилинди, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди, унинг мақсади ва вазифалари, илмий фарази аниқланди.

Битирув-малакавий ишнинг илмий янгилиги:

- Касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши модели ишлаб чиқилди;

- Касб ҳунар коллежларининг ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши ўзига хос спецификага эга бўлиб, таълим жараёнининг ва ўқувчиларнинг хусусиятларига боғлиқлиги аниқланди;

- Ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёни касб ҳунар коллежи ўқувчиларини махсус фанларни ўрганишда, ўқув-билув фаолиятини шаклланиши моделини амалга ошириш босқичларида кўрсатилди;

- Касб ҳунар коллежи таълим жараёнида ўқув-билув фаолиятини шаклланиши махсус фанларни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини коррективкалаш, шакл ва методлари, мазмунини модернизациялаш билан боғлиқлиги кўрсатилди;

- Махсус фанларни ўрганишда ўқитишнинг диалогли методларидан фойдаланиш шарт-шароитлари белгиланди;

- Касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёнининг натижавийлиги махсус фанларни ўрганишда аудиторияда ва аудиториядан ташқари фойдаланиладиган топшириқларнинг мантиқийлиги ва мақсадга мувофиқлиги боғлиқлиги кўрсатилди;

- Касб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклланиши жараёнининг самарадорлиги моделни амалга ошириш учун дидактик шароитларига риоя қилиш билан боғлиқлиги асослаб берилди.

Битирув-малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган материаллардан касб ҳунар таълими тизимида назарий ва амалий машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этишнинг шакллари ва методларини таълим жараёнига қўллашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган касб ҳунар таълими тизимида махсус фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда инновацион технологиялар воситасини таълим тизимида қўллаш мумкин.

Битирув-малакавий иши 49 бет ҳажмда ёритилган кириш, икки боб ва хулоса қисмидан, 131 номдаги фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ

1.1. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада ошириш доирасида таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ишлаб чиқарувчи кучлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш йўллари, суръати, сифатига сезиларли таъсири қилади. Замонавий профессионал шаклланиши учун буюртма асосан шахс ва унинг фаолиятини сифат хусусиятларига қўйиладиган объектив талаблар билан белгиланади.

Замонавий юқори малакали ишчи юқори профессионаллик, касбий компетентлик, ижтимоий етуқлик, ижодий ташаббуси ва фаолиятини юқори даражада бўлиши билан характерланади. Бу фазилатларни ривожлантиришда шаклланган ўқув-билув фаолиятининг ҳиссаси катта. Таълим ва ақлий фаолияти шаклланиши ўзини ўзига ва бошқаларга ҳамда ишлаб чиқаришга муносабатига таъсир кўрсатади.. Шу билан бирга, ўқув-билув фаолияти шахс сифатида шаклланиши, ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлиги учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўқув-билув фаолияти яхши билим олиш, касб оид малака ва кўникмаларини шакллантириш, қўйилга мақсадга эришиш муваффақияти, ютуқларидан эстетик завқ олиш каби хусусиятларни шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўқув-билув фаолияти шакллантириш муаммоси психологлар ва психологлар томонидан турлича нуқтаи-назардан қаралгани маълум. Касб ҳунари таълим тизимида ўқув-билув фаолиятини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ тадқиқотлар педагогик фанида чуқур тарихий илдизларга эга.

"Фаолият" ва "шахс фаолияти" тушунчаси

Фаолият - бу шахснинг фаол ҳаракати ҳисобланади. Ўқувчи фаолияти унинг шахс сифатида шаклланиш жараёнига ҳамоҳанг равишда ривожланиб боради. Фаолиятдаги сезиларли ўзгаришлар фаолиятда акс этади, шахснинг

ривожланиши эса унинг фаолиятини ҳолатида акс этади. Талабанинг фаолиятида сезиларли шахсий ўзгаришлар шаклланиши ва ривожланиши жараёни билан бирга, унинг ўқув-билув фаолияти ҳам шакллана бошлайди, бу ҳолатга доир тадқиқотларда қуйидагилар баён қилинган [124].

1. Фаолият "рефлекслар ва ўзининг муносабатларини таҳлил қилиш орқали шахсни шаклланишида" вужудга келади [31].

2. Вазиятлар билан боғлиқ фаолият тушунчаси бир қатор тадқиқотлар асосида ётади. "Вазиятлар билан боғлиқ фаолият - вазият талаблари даражасида субъектнинг дастлабки қўйилган талабларига нисбатан ўз олдида белгиланган мақсад қўйиш қобилияти". Бу тушунчаларга кўра, "интеллектуал фаолият - фақат билиш эҳтиёжлари чегарасидан ташқаридаги ақлий фаолиятга бўлган талаб туфайли унинг давомидир" [124].

Психологик ва педагогик тадқиқотларда шахс фаолиятини турли даражалари ўрганилган:

1. Репродуктив-таклидчилик фаолияти ёрдамида фаолият тажрибаси бошқа шахс тажрибаси орқали шаклланади. Таклидчилик инсоннинг бутун ҳаёти қайси мустақиллик катта давомида ҳамроҳ бўлиб, бунда ўзининг шахс фаолияти даражаси етарли эмас.

2. Қидирув-ижрочилик фаолияти - бу фаолиятнинг юқори даражаси ҳисобланади, қайсики бунда мустақиллик даражасига катта ўрин берилади. Бу даражада масалани қабул қилиб, уни ҳал қилиш воситаларини қидириб топиш керак.

3. Ижодий фаолияти - бу фаолиятнинг энг юқори даражаси ҳисобланади, бунда ўқувчилар масала(муаммо) ўзлари қўядилар ва уни ҳал қилишнинг янги, ноанъанавий, оригинал йўллари танлайдилар.

Репродуктив-таклидчилик фаолияти – фаолиятнинг генетик жиҳатдан анча олдин ва элементар шаклида намоён бўлишидир. Болаларда уни намоён бўлиши жуда табиий, ҳатто ривожланиши учун ҳам зарур ва маълум бир аҳамиятга эга. Қўйилган масалани аниқ ва тўғри ечимини қидиришда, ўқувчи

фаолиятида сезиларли даражада мустақилликни намоён бўлиши зарурият ҳисобланади.

Қидирув-ижрочилик фаолияти бу борада катта ресурсларга эга. Бундай шароитда, талаба ижрочи сифатида фаолият юритади, чунки топширик ўқитувчи, мастер, ундан катталар томонидан қўйилади. Лекин уни ечимларини мустақил равишда қидириш, бир қатор вариантларининг ичидан энг мақбулини танлаб олишда боланинг фикрлаш фаолиятини ва унинг имкониятларини оширишга имкон беради. Чунки қидирув-ижрочилик фаолияти даражасига ўтиш ҳар доим ҳам ўз белгилари билан ўқув-билув фаолиятининг ва шахснинг ривожланиш юқори даражаси ҳисобланади.

Ижодий фаолият даражаси фаолиятнинг энг юқори даражаси бўлиб, у янгилик, оригиналлик, андозадан воз кечиш каби ўзига хос ижодий фаолият билан тавсифланади, ҳамда ўқувчининг ривожлантириш учун имкониятлар яратади [39].

Биз умумпсихологик нуқтаи назардан келиб чиқиб, бизнинг тадқиқотимиз учун қуйидаги вазифаларни белгилаймиз:

- фаолият ва унинг фаоллигини ўзаро боғлиқлиги;
- фаолият вазиятга қараб, мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар билан тавсифланади;
- меҳнат қилувчининг субъект фаолиятининг ижтимоий-касбий сифати замонавий мутахассиснинг энг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади;
- . репродуктив-таклидчилик, қидирув-ижрочилик, ижодий фаолият каби фаолиятнинг уч даражаси ажратиб олинади.

1.2. Ўрта махсус касб ҳунар таълими тизимида ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

Шундай қилиб, "ўқув-билув фаолияти" тушунчаси субъектнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг фаолиятини амалга ошириш даражасини ҳисобга олиш, ўқув-билув фаолияти моҳиятини белгиловчи учун

турли ёндашувларнинг умумий жиҳатларидан келиб чиқиб, муҳим тушунчалар доирасида ўқув-билув фаолиятининг назарияси нуктаи назаридан талқин этилади. Бунда КХК ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш бўйича самарали ишлар учун зарур шартлардан бири уларнинг фикрлаш, билим ва кўникмаларини яратиш ва ривожлантириш учун таълим муассасаларда ўқув жараёнини фаолиятини ташкил қилиш, унинг мазмун ва моҳиятини белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда, касб ҳунар коллежи (КХК) ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, таълимнинг умумий қонунлари асосида талабаларни интеллектуал ривожлантириш учун касб ҳунар коллежи ўқитувчилари ўз вазифаларига кўра, ўз мутахассислиги соҳасида рўй бераётган янгиликларга оид назарий маълумотларни жонли тарзда барча ҳодисаларни баён этиши, уларга билим бериш, касб фаолиятига оид кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларни ўзлаштириш учун ҳаракат қилиши лозим. Ўқувчиларни ўқув-билув фаолиятни ривожлантириш учун ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлардаги энг муҳим ишларни бажаришда қўлланиладиган технологик машиналар ва жиҳозлар, асбоб ва ускуналар ҳамда уларни ишлаш тамойиллари билан таништиришда янги ахборот ва педагогик технологиялар асосида ёритиш учун компьютер техникасини ўқув жараёни кенг жорий этиш таълимда энг самарали усуллардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бундан ташқари, жаҳон педагогик тарихида ва унинг тарихининг барча босқичларида, инсоният учун ёш авлодга билим ва меҳнат тарбияси бериш вазифаси муҳим бўлиб келган, уни ҳал қилиш учун ёш авлодни профессионал ва меҳнат таълим ғояси билан банд қилиш алоҳида ўрин тутади.

Касб-ҳунар коллежларида узоқ вақт давомида фаолият дидактикасига ва ўқувчиларнинг мустақиллик муаммосига жуда кам эътибор берилган. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга маълум бир миқдорда таълим-тарбия назарияси ва амалиёти фақат бир йўналишда ишлаб чиқилган, реал ҳаётда

таълим сифатини яхшилаш, ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш ва олган билим, малака ва кўникмаларини амалиётга қўллаш масаласига кам эътибор қаратилган [114].

Касб-ҳунар таълим тизимида ўқув-билув фаолиятини шаклланиши муаммосини турли жиҳатлари таҳлил қилинган:

- ўқув жараёнининг мазмуни, шакллари, усуллари, фанлараро боғланишни фойдаланиш билан профессионал фаолият контексти билан тўлдириш орқали таълим жараёнида талабалар фаоллигини ошириш бўйича тадқиқотлар [41, 22];
- ўқув жараёнининг фаоллигини ошириш учун келажакдаги профессионал фаолиятининг ижтимоий мазмунини моделлаштиришда шахснинг шахсий эҳтиёжларига мослаштириш, унинг базавий тайёргарлик даражаси, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш [129, 112];
- ўқувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларни турли фаолият турларига, илмий тадқиқот ишларига ҳаммуаллифликда жалб қилиш [23,27];
- каб ҳунар коллежларида ўқув жараёнининг дидактик ва психологик хусусиятларини ўрганиш [115];
- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда касб-ҳунар таълим тизимида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларни ҳал қилиш билан ишларни кўрсатиш мумкин [128].

Профессионал педагогикага оид ишларни таҳлил қилиб, биз ўз тадқиқотларимизда КХКларида кадрлар тайёрлаш жараёнини қуйидаги хусусиятларини ўргандик:

1. Таълим жараёни маълум бир йўналишга йўналтирилган аниқ касб олиш шароитида амалга оиради. Бу ўқитиш мотивига, айниқса, касб-ҳунар талабаларини махсус фанларга қизиқишини оширишга таъсир қилади.
2. Ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида умумтаълим ва касбий-педагогик тайёргарлик олиши таъминланади; таълим ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғланишда олиб борилади. Бу ўқув жараёнини умумий

амалий касбий йўналишини, ўқувчиларни амалий масалаларни ечишда қўллай олиши, ўқувчиларни ақлий ривожланишини умумий мақсадини ва уларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш мақсадларини ўзаро боғлиқлигини белгилайди.

3. Кейинги касбий компетентлигини такомиллаштириш мақсадида мустақил билим олиш, фикрлаш, меҳнат қилиш, хотирани ривожлантириш, кузатувчанлик, олган билимларини ижодий қўллай олиш малака ва кўникмаларини шакллантириш зарурияти мавжуд.
4. Умумтаълим мактабида ўқитиладиган фанларга нисбатан касб ҳунар коллежларида назарий фанлар миқдорини анчагина кўплиги билан фарқланади

1.3. Ўқув-билув фаолиятининг компоненталари

Қўйилган муаммо ҳал қилиш мақсадида ўқув-билув фаолияти компонентларининг аниқлашга ҳаракат қилдик. Ўқув-билув фаолиятини мотивацион, иродавийлик, фаоллик каби ташкил этувчилари аниқланган, ўқув-билув фаолиятини шакллантириш шахсининг ҳаёт ўрни ва режалари, ғоялари билан боғлиқ равишда билимга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Мустақил таълим учун эҳтиёж ўқувчиларнинг турли туман фаолиятга жалб қилиш муносабати билан юзага келади [25].

Касб ҳунар коллежи ўқувчилари ўқув-билув фаолияти тушунчасидан келиб чиқиб, тадқиқотчилар ўқув-билув фаолиятининг қуйидаги кўрсаткичларини аниқлашган:

- интеллектуал фаолиятни намоён бўлиши (ўқитувчига саволлар бериш, ўзини бу жараёнга иштирок этишга ҳаракат қилиш фаолияти, мунозараларда олган билим ва кўникмаларини қўллаган ҳолда фаол иштирок этиш);
- ҳиссиётни кўриниши (умумий ижобий муносабат, интеллектуал

завқ);

- иродавийлигини намоён қилиши (диққатини бир нуқтада тўплаш ва ўқув ҳаракатларини ниҳоясига етказиға интилиш) [94].

Бирок, ўқув-билув фаолияти асосида билиш мотивлари бўлиб, билиш мотивациясининг шаклланишига асосий йўли ўқув фаолиятини тўғри ташкил этиш ётади. Бунинг учун, ўқув жараёни ўзида талаба-ўқувчиларни илм олишга эришиш усулига йўналтирилган фаолиятни шакллантириши, иккинчидан ўқувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билим олиш йўналиши фаолиятини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Билимга қизиқиш ўйғотадиган педагог-ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

1. Ўқув материаллар мазмуни ёрдамида талабаларнинг билимга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш - ўқув материалларини мазмунан янгилиги, ўзлаштирилган билимларни янгилаш, тарихийлик, замонавий фан ютуқлари, ўзлаштирилган билимларни мазмунан амалий аҳамияти ҳисобига бўлади.

2. Ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш ҳисобига билимга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш - турли туман мустақил иш шакллари, фаолиятнинг янги усулларига эга бўлишлик, муаммолилик, тадқиқот, ижодий иш, амалий иш элементларини ўзлаштиришга имконият яратилади.

3. Ўқув жараёни иштирокчилари муносабатига боғлиқ равишда билишга қизиқиш фаолияти: талабалар билим фаолияти ҳиссий муҳитини яратиш, ўқитувчиларнинг ҳиссийёт, талабалар билим имкониятига ишонч (педагогик оптимизм), ўқитувчи ва талабалар фаолиятида ўзаро қўллаб-қувватлаш (бир-бирига мос келиш жараёни), мусобақа-танлов, рағбатлантириш [25]. Мавжуд адабиётларни ўрганиш, мутахассислар томонидан ўқув-билув фаолиятининг мотивацион, ҳиссий, когнитив, фаолият компонентларини кўриб чиқилганлигини кўрсатди [25].

Шунингдек, ўқув-билув фаолиятининг мотивацион, фаолият, ҳиссий ва иродавийлик компонентларини кўриб чиқилган. Тадқиқотчиларнинг

таъкидлашича, мотивация ривожланаётган шахсининг нафақат йўналишини, ўқув фаолиятини турли шакллари амалга ошириш билан бирга қандай хиссий-иродавий соҳасига ҳам таъсир кўрсатади. Ўқув-билув фаолиятининг манбаларини уч тури мавжуд: ички, ташқи ва шахсий. Қайд этилган манбалар ичида ўқув фаолиятини мотивизация фаолиятида қизиқиш, эҳтиёж, эталонлар шахсий манбалар алоҳида ўрин эгаллайди, бу эса ўз навбатида ўқув ва бошқа фаолиятда ўз-ўзини англаш. ўз-ўзини такомиллаштириш, ўзини намоён қилиш каби ишларни амалга ошириш учун асос бўла олади (1.1-Жадвал).

1.1-Жадвал

Ўқув-билув фаолиятининг психолого-педагогик структураси

№ п/п	Ўқув-билув фаолиятининг компонентлари	Ўқув-билув фаолиятининг кўрсаткичлари	Ўқув-билув фаолиятининг тавсифлари
1	Когнитивлик	Назарий билимлар, тафаккур(фикрлаш)нинг мантикий шаклларига эгалилиги даражаси	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқув-билув фаолиятининг шаклланиши эҳтиёжи ҳақидаги билим; • Билим олиш, уни тўлдриш ва янгилаш ҳақидаги билим; • Масалани ечишга қаратилган ҳар бир ҳаракатнинг алоҳида ҳолда бутун тизим вазифалари ва ўрнини тушуниш; • тафаккур(фикрлаш)нинг мантикий шакллари ҳақидаги билим.
2	Фаолиятчилик	Малакага эгалиги ва уни қўллай олишлиги даражаси	<p>Ўқув-коммуникативлик: эшитиши ва саволлар бериши, аудиторияда чиқиши, мулоқот олиб бориши, баҳслашиши, конфликт вазиятлардан чиқиб кета олиши;</p> <p>Ўқув-рефлекс: ўқув фаолиятини мустақил таҳлил қилиши, ўқув ҳаракатларида ўз-ўзини ва ўзаро назорат қила олиши, ўз фаолияти натижаларини объектив баҳолай олиши, шахсий ўз-ўзини баҳолай олиши;</p> <p>Ўқув-ташкилий: ўқув фаолиятини мақсад ва вазифаларини аниқлай олиши, ўқув фаолияти бажарилишини режалаштира олиши: режа (оддий ва мураккаб) туза олиши, конспект, тезислар ёзиш малакаси, ўзининг ўқув фаолияти вақтини назорат қила олиши, гуруҳда ишни ташкил қила олиши;</p> <p>Ўқув-интеллектуаллик: турли мазмундаги</p>

			<p>текстларни ўқиши (тез, тўғри); текстни гапириб бера олиши (қисқа, тўлиқ, танлаб); тақриз ёзиши; маъруза, ахборот тайёрлаши; асосийсини ажрата олиши ва эслаб қолиши; умумлаштириш ва тизимга солиши; кузатиши ва таҳлил қилиши, лойиҳалаш ва моделлаштириши;</p> <p>Ўқув-ахборот: қоғоздаги текстлар билан ишлаш олиши, керакли ахборотни топиши; дарсликдаги изоҳли лўғатлардан, каталоглардан, библиографик кўрсатмалардан фойдалана олиши; техник воситалар ёрдамида ахборотларни олиши ва тақдим эта олиши.</p>
3	Шахсий	Ўқув-билув фаолиятининг шакллантириш эҳтиёжига мойиллик(қизиқиш) ва ишонч;	
3.1.	Иродавийлик	Онгли равишда қўйилган мақсадга эриш учун ташқи ва ички тўсиқларни енгиб ўтишга шайлик	Ўқув ҳаракатларини тамомлашга интилиш .
3.2.	Ҳиссий	Индивидуал билиш тажрибасини ҳиссий жиҳатдан мустаҳкамлаш хусусиятлари;	умумий ижобий кайфият
3.3.	Мотивацион	Билиш фаоллигини шакллантириш эҳтиёжига мойиллик(қизиқиш) ва ишонч;	Билиш фаолиятини ташкил қилишга билиш усулига қизиқиш.
3.4.	Рефлексларга мойиллиги	Рефлексларга мойиллик қобилияти даражаси.	

Ўқув-билув фаолиятининг асосий таркибий қисми сифатида мутахассислар таълим ва тарбия фаолияти, истак ва ўрганиш қобилияти, ҳиссий мотивацион ва иродали компонентлар ўқув-когнитив фаолиятини шакллантириш асосий эҳтиёжи эканлигини таъкидлайдилар, айрим муаллифлар ўқув-билув фаолияти тузилиши икки компонентлар, интеллектуал ва шахс (мотивацион) бўлиб, фаолият шахснинг мақсадли фаолияти сифатида белгиланган. Бошқалар билим, фаолият, туртки, маънавий ва иродали компонентларини, ўқувчиларнинг ўзларини ўқув фаол операцияларида мавжуд бўлса, ўқитувчи туртки бўлиб, бундай ўқув фаолиятни ташкил қилишда ғамхўрлик қилмаса, ўқув жараёни самарасиз бўлади деб фикр билдирадилар. Ўқув жараёнида

ўқув-билув фаолияти ўзида интеллектуал, ҳиссий, иродавий компонентларини қамраб олганда ўқув жараёни самарали тажрибада исботланган.

Биринчи бобга хулоса

1. Тадқиқот муаммоси бўйича адабиётлар таҳлили ўқув-билув фаолияти замонавий мутахассис-профессионал энг муҳим хусусиятларидан бири эканини кўрсатади. Касбий тайёргарлик сифатини ошириш учун қаб ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш юқори малакали кичик мутахассислар тайёрлаш учун кенг имконият яратади.
2. Замонавий юқори малакали мутахассислар ўзларининг юқори касбий маҳоратлари, компетентлиги, мобиллиги, ижтимоий етуклик, ижодкорлик, ташаббускорлик ва фаоллиги билан тавсифланади. Бу қаб фазилатларни ривожлантириш, инсоннинг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш учун хизмат қилади.
3. Ўқув-билув фаолияти ўқувчи шахсини ўзига, бошқаларга ва ишлаб чиқариш бўлган муносабатини шаклланишига таъсир қилади. Шу билан бирга, ўқув-билув фаолияти ўқувчини шахс сифатида ўз-ўзини англаши ва келгуси фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш учун асос бўлади. Ўқув-билув фаолияти ўқиш жараёни ва мазмуни, мақсадлари, билим, малака, кўникма олишга ҳаракат сафарбарлигини самарали бўлишига эришиш учун ўқувчини муваффақиятли ўқиши учун муҳим шарт ҳисобланади
4. "Фаолият" тушунчаси илм-фан турли соҳаларида мустақил равишда кенг қўлланилади, қўшимча сифатида, "Шахс фаолияти" турли комбинацияларда дунёга инсоннинг фаол муносабати, инсониятнинг ижтимоий ва тарихий тажрибасини ривожлантириш асосида моддий ва маънавий муҳитни яратишда, ижтимоий аҳамиятли ўзгаришларни ҳосил қилиш қобилияти инсоннинг ижодий фаолияти мулоқот ва ҳужжатларда ўзини намоён бўлиши сифатида ишлатилади.

5. Касб ҳунар коллежларида ўқиш даври дунё ва инсон муносабатларида фаол билим, тез ақлий ривожланиши, уни намойиш қилиши, турли майл ва қобилиятини ривожлантиришда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш учун оптимал давр ҳисобланади. Бу ёш босқичида ўқувчи шахсининг турли соҳалардаги ўзгаришлари далиллар билан исботланган, шахсни ривожлантириш учун таълимни тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

6. Ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув жараёнининг энг муҳим ўзига хос хусусияти таълимнинг таркибий асосини тавсифлайдиган ўқитиш ва ўргатишнинг амалий йўналиши ҳисобланади. Амалий фаолиятга тайёрлаш жараёнидаги ўқув жараёни сезиларли даражада фарқ қилади, қайсики бунда ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини, муайян касб фаолиятини амалга ошириш учун имкон берувчи махсус билим, кўникма ва қобилиятларига асосланган бир қатор талабларнинг шакллантиришдир.

7. Ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув жараёнининг хусусиятлари касб ҳунар коллежи ўқувчиларини ўқув-билув фаолиятини ўзига хослиги бўлажак кичик мутахассисларни ўз соҳалари бўйича ҳақиқий профессионал бўлиб етишишлари учун қўйилган мақсадларига эришишларига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган кўринишда боғланмаган ҳолатлар занжири орқали ўз дастурини амалга ошириш учун ўқувчилар шахсини ривожлантиришда ўқув-билув фаолияти хусусиятларини изоляция қилиш имконини беради. Бу келажакда кичик мутахассисларни профессионал ҳаракат дастурини шакллантириш зарурлиги белгилаб, оригинал муаммо бўйича қўйилган мақсадлар эришиш мураккаб шахс шаклланишини ривожлантиришга мўлжалланган;

8. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолияти уларнинг танлаган мураккаб касби бўйича ривожланиб борадиган бир умр билим олиш қийинчиликлари йўлида бартараф этиш учун одамнинг илм ўрганиш истаги намоеън бўлади, бу жараён ўқувчининг шахс сифатида шаклланиши табиий

муҳитга, ишлаб чиқаришга, жамиятга, касб-ҳунарга ва бошқаларга ижобий муносабатни вужудга келишида жуда муҳим.

9. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини биз аниқлаган хусусиятлари: когнитив, фаолият ва шасий компонентлари ўқувчиларининг ўқув-билим фаолиятини яхлит ва тўлиқ равишда унинг мазмуни ва тузилишини акс эттиради. Бунда шахсий компонент ўзида ҳиссий, иродавийлик, мотивацион компонентлар, рефлексга мойилликни акс эттиради. Ўқув-билув фаолиятини мазмунини билим, малака ва кўникма, ҳиссий, мотивацион, шахсни иродали бўлиши, рефлексга мойиллиги ташкил этади.

10. “Ўқув-билув фаолияти” моҳиятан тавсифи субъект фаолияти ҳисобланади, унинг хусусиятлари билим олиш, билишга қизиқиш, ўз-ўзини англаш, ўз фаолият мақсадини эркин танлаш, уни амалга ошириш усул ва воситаларига бўлган эҳтиёжларида намоён бўлади.

II-БОБ. КАСБ ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

2.1. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти шакллантириш жараёнини педагогик моделлаштириш

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти шакллантириш муаммосини ҳал қилиш касб ҳунар коллежларда махсус фанлар ўқитиш жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти самарали шакллантириш касб ҳунар коллежларида ўқитиш жараёнининг мақсади, мазмуни, шакл ва усуллари кўриб чиқиш лозим. Бу масала ниҳоятда ҳал қилишнинг энг самарали йўли моделлаштириш методи ҳисобланади.

Ўрганиш қийин бўлган, ҳатто мумкин бўлмаган бирон бир ҳодиса(предмет,жараён, вазият)ни ўрганиш сунъий яратилган бошқа аналогик ўхшаш ҳодиса (предмет,жараён, вазият)га модель дейилади. Моделлаштириш соҳасида назарий олимлар моделлар барча ҳолларда тадқиқот объектларининг аналоглари деб таъкидлашади, яъни улар бир бирига ўхшаш, лекин улар бир хил эмас. Моделлаштириш усулларида фойдаланиш, ўрганиладиган ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги билимларни тизимлаштиришга ёрдам беради, уларни янада тўлиқ баён қилиш йўллари кўрсатади,барча компонентлари орасидаги тўлиқ боғланишлар белгилади, тўлиқ классификациясини яратиш имконини беради. Моделлаштириш илмий билиш методи сифатида педагогик тадқиқотларда ҳам кенг қўлланилади. Педагогик моделларда педагогик мақсад, ўқув ахбороти, педагогик коммуникация воситалари, ўқувчи-талабалар, ўқитувчилар мавжуд бўлади. Педагогик модель қуйидаги – таълим олувчи; таълим ва тарбия мақсади; таълим ва тарбия мазмуни;дидактик ва ёрдамчи жараёнлар; ўқитувчи-педагог


ёки ЎТВ; ўқув тарбиявий ишларнинг ташкилий шакллари каби компонентлари баёни орқали қаралади.

Биз лойиҳалаган моделнинг структураси ўқув-билув фаолиятининг структураси ҳамда ўқув жараёни структурасига мўлжаллаб тузилган ва қуйидаги компонентлар: мақсадли, мазмунли, рағбатлантирувчи - мотивацион, фаолиятли, назорат қилиш ва созлаш, натижани баҳолаш каби таркибий қисмлардан иборат.

Бу компонентлар ўқув жараёнини тавсифлаб, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантиришда ўқитувчи ва талабалар ўзаро муносабатларини муайян бир даврини акс эттиради (2.1 шакл).

Ўқув-билув фаолияти жараёнини шакллантиришнинг мақсади ўқув жараёнининг субъекти сифатида ўқувчи шаклланган билиш фаолиятининг шундай даражасига эришиши келгусида касбий фаолиятини самарали амалга оширишга имкон беради. Ўқув-билув фаолиятини шакллантириш ўқув жараёнига тегишли вазифаларни амалга ошириш орқали таъминланади (2.1-жадвал). Ўқувчилар касб ҳунар коллежиларида бўладиган назарий таълим жараёнида ўқув-билув фаолиятининг мақсад ва вазифалари мазмунини аниқлайди.

КХК ўқувчилари ўқув-билув фаолиятини шаклланиши модели



2.1 шакл. КХК ўқувчилари ўқув-билув фаолиятини шаклланиши модели

2.1-жадвал

Ўқув-билув фаолиятини шаклланишини таъминлаш учун ўқитиш жараёнини масалалари

№т/р	Ўқитиш жараёнини масалалари	Ўқув-билув фаолияти компонентлари
